

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ОМИЛИ

Турбоева Феруза Күшмат қызы
Ижтимоий иши йўналиши талабаси
Фаргона давлат университети

Аннотация: Мақолада жамиятнинг бир бўлаги бўлган оила ва ундағи муаммоларни ҳал этишида таълим-тарбия, айниқса мактаб таълимининг ўрни, ўқитувчиларнинг қўшадиган ҳиссаси ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: оила, муносабат, тасаввур, муҳит, таълим-тарбия, ёшлар, никоҳ, ечим

Мустақил тараққиёт ва ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнида унинг яхлитлигини кафолатловчи оила институтини мустаҳкамлаш борасида истиқболга йўналтирилган аниқ сиёsat олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси оила ва ҳар бир фуқаронинг манфаатини ижтимоий, психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлиdir. Оиласидан муносабатлар кенг қамровли бўлиб, улар нафақат ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади, балки унда одоб-ахлоқ ва урф-одат қоидаларига ҳам амал қилинади. Ана шулардан келиб чиқиб, никоҳланувчи шахсларга никоҳ тузилишининг ҳуқуқий асосларинигина эмас, балки унинг психологик жиҳатларини тушунарли, содда тарзда баён этиш оиласидан мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қиласи. Ҳозирги даврда оила, оила-никоҳ муносабатлари, оиласидаги психологик муҳит, таълим-тарбия ва унинг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов оиласидан ижтимоий ҳаётдаги юксак мавқеини, ўзига хос маънавиятини юксалтиришнинг аҳамиятини таъкидлаб, «...инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир» дейди[1.52].

Ҳар бир инсон турмуш қурад өкан, оила тизимиға оиласидан муносабатларни қандай қуриш ҳақидаги ўз тасаввурлари ва кутилмаларига эга бўлган ҳолда кириб келади. Никоҳ инсон ҳаётидаги туб бурилиш воелиги сифатида шахс ривожланиш вазиятини ўзгартириб юборади ва роллар алмашинуви, ўзаро таъсирга киришувчи атрофдаги одамлар доирасининг ва умуман инсондаги «Мен» образининг ўзгариши билан характерланади. Мазкур вазият ҳар қандай инсондан янги тизим меъёрлари ва қадриятларига мослашувни талаб этади. Бошқа одам қанчалик аҳамиятли бўлса, унга бўлган муносабат шунча узоқ давом этади, яъни яхши оиласидан энг кучли ва содик

асоси – эр хотинларнинг маънавий бирлиги, уларнинг бир-бирига бўлган эътибори ва қалбидаги илиқлиқдир.

Ана шундай эр хотин фарзанди дунёга келган кундан бошлаб унинг баҳтли, ақлли, доно ва албатта соғлом бўлиб етишишини ҳоҳлади. Болаларда Ватанга, ота-онага содиқлик ва фидоийлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Булар заминида ёшларга оиласда таълим масканларида, маҳаллаларда бериладиган таълим-тарбия ётади. Оила ва мактабда сингдирилган тарбия Ватанга муҳаббат, меҳр оқибат, ўзаро хурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, ҳозирда мамлакатимизда ёшларга, уларнинг илм олиш ва касб-хунар эгаси бўлишига катта эътибор берилмоқда. Ҳар бир йигит-қизнинг таълим масканларида ўқиб, бирор мутахассисликни эгаллаши объектив ҳодиса бўлиши билан бирга, унинг ёш жиҳатидан оила қуриши ҳам инкор этилмайдиган қадриятдир. Бизнинг фикримизча, оила муаммосини тадқиқ қилишда, аввало бугунги ёшларни оиласий ҳаётга тайёрлаш масаласига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Чунки, кўп ҳолларда турмуш қурган икки ёш ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг нозик жиҳатлари хақида етарли билим, зарурий кўникма ва малакага эга бўлмаслик, қолаверса икки ёшнинг бир-бири ҳамда оиласий ролларнинг тақсимланиши тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланмаганлиги улар муносабатларининг ижобий кечиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ёшларни оиласий ҳаётга тайёрлашда биз мактаб ўқитувчиларининг ўз ўрни ва таъсири бор эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Мактабда ҳар бир фан негизида нафақат илмий билимлар, балки шу билимларни келажакда қўллаш компетенцияларини шакллантириш керакки, бу ўсиб келаётган авлодга оила қўйнида кечадиган бир умрлик ҳаётида асқотсин.

Ёшларнинг ўз оиласий ҳаётларига оид тасаввурлари муҳим бўлиб, уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши оиланинг мустаҳкамлигига хизмат қиласди. Афсуски, ёшларнинг ҳамма вақт ҳам оиласий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари реалликка мос келавермайди, балки аксарият ҳолда ҳақиқий ҳаётдан тубдан фарқ қиласди. Шунинг учун ёшларни оиласий ҳаётга тайёрлашда уларни имкон қадар ҳаётда кузатиладиган паст ва баланд, ширин ва аччиқ, роҳат ва ташвиш, қоронғу ва ёруғ томонлари бўлиши муқаррарлигига ўргатиб боришимиз ва бу томонлар ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантира олишимиз керак бўлади.

Ҳар бир фанда қарама-қарши тушунчалар, бирини ўрнини бошқаси эгаллайдиган вазиятлар, ечимини топиш осон ёки мураккаб бўлган масалалар мавжуд, ана шундай вазиятлар инсонлар ўртасидаги муносабатларда, айниқса, оиласий муносабатларда ҳам юзага келиши мумкин эканлиги, уларнинг ҳам ечими бўлиши муқаррар эканлигини уқтириш лозим бўлади.

Масалан, ҳар бир жойнинг ўз флораси ва фаунаси унинг географик жойлашуви, иқлими, ер тузилиши ва бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлганидек, ҳар бир муносабатларда, жумладан, оиласий муносабатларда ҳам турли туманлик бўлиши, бу

оиланинг моддий таъминоти, оила аъзоларининг тарбияси, эҳтиёжлари, ақлий-ахлоқий, маданий-эстетик савияси, этник тузилиши каби омилларга боғлик эканлигини география фани ўқитувчиси исботлаб бериши, оилавий муносабатларда ўзаро фикр алмашиш, сўзлашув маданияти, сўз сехри, бадиий образлардаги ижобий, салбий томонларни она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, оилавий бюджет, сармоя топиш, фойда, тежамкорлик, ҳисоб-китоб масалаларини аниқ фан ўқитувчилари узлуксиз, ўзаро боғлаб сингдириб боришлиари лозим.

Демак, таълим муассасаларида таълим-тарбия самарадорлигини оширишда нафакат мутахассислик фанларига доир билимларни, балки шахснинг ўз-ўзини яхши ҳис этиши, атрофдаги одамлар билан бўладиган шахслараро муносабатларда зўриқмай, ўзини эркин ҳис қилишига ёрдам берадиган психологик билимларни бериш, қолаверса, йигит-қизларга «табиатнинг шоҳ асари бўлмиш – оила»нинг ўзига хос қонун-қоида, сир-синоатларини ўргатиб бориш зарур.

Педагогик-психологик билимларга, ҳаётий тажрибаларга эга бўлган муаллимларнинг кундалик ҳаётда учрайдиган, ўзлари гувоҳ бўлган турли ижобий ёки салбий вазиятлар; она-бола, ота-ўғил, қон-қариндош, опа-ука, ака-сингил каби муносабатларда юзага келган муаммоларга оқилона ёндошишлари, энг тўғри ечим ва йўл-йўриқларни кўрсатиб беришлиари ҳам ёшларни келажакка тайёрлайди. Ёшларни мустақил ҳаёт остонасига, никоҳ, оила муносабатларига тайёрлаш ва кузатиб қўйишидек шарафли вазифани ҳар бир педагог тўлиқ ҳис этган ва амалга оширгандагина, биз кўзлаган юксак мэрраларимизга эриша оламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.
2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Глобаллашув шароитида электроэнергетика тармоғида стратегик бошқарув усулларидан самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт ва таълим, 5, 357-363.
3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республике Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.
4. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Пути эффективного развития инновационной деятельности производственных предприятий республики узбекистан. In Наука сегодня: теория и практика (pp. 29-32).
5. Хамракулов, И. Б. (2023). ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 2(23), 398-402.

6. Хамрақулов, И. Б. (2023). ЖАҲОНДА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» НИНГ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(4), 2361-2366.
7. Хамракулов, И. Б. (2023). НЕОБХОДИМОСТЬ И ВАЖНОСТЬ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 6(4), 1142-1146.
8. Bakhtiyorovich, K. I. (2023). DEVELOPMENT OF MONITORING INSTRUMENTS OF EFFICIENCY OF SMALL INDUSTRIAL ZONES. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(4), 1994-1999.
9. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос ҳусусиятлари. *Scientific progress*, 3(1), 328-334.
10. Хамракулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. *Scientific progress*, 2(7), 586-592.
11. Хамракулов, И. Б. (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 140-146.
12. Ханкельдиев, Ш. Х., & Сайдахматов, А. В. (2021). Инновационные подходы к повышению уровня специальной физической подготовленности юных таэквондистов. *Наука сегодня: история и современность [Текст]: материалы*, 40.
13. Ханкельдиев, Ш. Х., & Султанова, Н. Я. (2021). Физическое развитие учащихся девушки среднего школьного возраста общеобразовательных школ. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ЗАДАЧИ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ* (pp. 74-75).
14. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. *Universum: химия и биология*, (5 (71)), 5-9.
15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. *The American journal of interdisciplinary innovations and research*, 3(01), 113-117.
16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 36-39.
17. Бахтиёрович, Ҳ. Ж. (2022, August). ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ. In *E Conference Zone* (pp. 13-16).

18. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).
19. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
20. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ (pp. 59-61).
21. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ (pp. 49-51).
22. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(10), 233-237.